2017 ЙИЛ 27 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (13.464)

Баҳоси эркин нархда

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи куни қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этиш, иш ўринлари яратиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, вилоят экспорт салоҳиятини ошириш бўйича янги лойиҳалар билан танишиб, мутахассислар, тадбиркорлар, фермерлар билан суҳбатлашди. Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташрифининг иккинчи куни Фарғона шаҳридаги Нуронийлар масканини бориб кўрди. Мамлакатимизда нуронийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Жойларда фахрийларнинг вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилмоқда. Фарғонадаги Нуронийлар маскани Ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида барпо этилган. Бу ерда кексалар учун зарур бўладиган барча жиҳатлар эътиборга олинган. Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан бойитилган кутубхона, замонавий жиҳозланган спорт зали, тиббиёт хонаси, фитобар, чойхона нуронийлар хизматида.

Моҳир ҳунармандлар қўлида сайқал топган айвонлар, нақшинкор устунлар ижтимоий марказ ҳуснига ҳусн қўшган.

Президентимиз бу ердаги шароитларни янада яхшилаш, хусусан, кексалар учун автобус ажратиш зарурлигини таъкидлади. Нуронийлар ёшлар билан ишлашининг изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз маънавий барқарорлигини мустаҳкамлашда уларнинг ўрнини ошириш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона механика заводи ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди.

Ҳозирги кунда корхонада 36 турдаги саноат маҳсулоти ва 31 турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилмоқда, 330 ишчи меҳнат қилмоқда.

Корхонанинг бўш турган бино ва иншоотларини тадбиркорларга имтиёзли шартларда бериш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида бу ерда кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Саноат зонасида йилига 300 тонна антифриз, 200 тонна ойна ювиш суюқлиги, 10 минг дона тормоз колодкаси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Қиймати 38,5 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳани 2018 йилнинг учинчи чорагида тўлиқ ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 45 фоизи экспортга йўналтирилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 200 иш ўрни яратилади. Бозор талабларидан келиб чиқиб, келгусида қўшимча иш ўринлари ташкил этилади.

Фарғона шаҳридаги "Мадад" масъулияти чекланган жамияти томонидан суюлтирилган газ учун цистерналар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишга мўлжалланган тиркамалар ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Лойиҳа қиймати 40 миллиард сўм бўлиб, 30 миллиард сўми "Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки кредити, қолгани корхонанинг ўз маблағидир.

Корхона 2018 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилади. 2020 йилда бу ерда экспорт ҳажмини йилига 1,5 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхона маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди. Суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб берувчи мослама ва тиркамаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотларни ташқи бозорга ҳам йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб ортиб бормоқда. Фарғона политехника институти вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда МикроГЭС илмий-ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳасини таклиф этмоқда.

МикроГЭС халқаро таснифга биноан қуввати 0,1 кВтдан 100 кВтгача бўлган гидроэнергетик қурилма бўлиб, у асосан гидротурбина, тасмали ва редукторли узатмалар ҳамда асинхрон генератордан иборат. МикроГЭС экологик тозалиги, арзонлиги, технологик жиҳатдан тайёрлаш ва эксплуатация қилиш осонлиги билан ажралиб туради. Лойиҳада микроГЭСлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш, Фарғона политехника институтида гидроэнергетика соҳаси мутахассисларини тайёрлаш кўзда тутилган.

МикроГЭСнинг қуввати 50 кВт бўлган 2 тажриба нусхаси институт олимлари томонидан "Фарғоназот" АЖ ва Марғилон трактор таъмирлаш корхонаси билан ҳамкорликда Фарғона шаҳридан ўтувчи Марғилонсойга қўйилиб, тажриба-синовдан ўтказилмоқда. МикроГЭСлардан олинаётган электр энергияси шаҳарнинг Каштанзор кўчаси, "Марғилонсой" тантаналар уйи ва "Ҳамкорбанк" ҳудудларини ёритишда ишлатилмоқда.

Фарғона вилояти сув хўжалиги мутахассислари билан биргаликда вилоят ҳудудидан ўтувчи сой ва каналларнинг гидрологик таснифлари ўрганилиб, дастлабки босқичда 230 жойда қуввати 50 кВтлик микроГЭСлар ўрнатиш режалаштирилган. Режа амалга ошгач, ушбу микроГЭСлардан олинган қувват вилоятда бир йилда сарфланаётган электр энергиясининг 2 фоизини ташкил этади. Бу йилига 17 миллиард сўмлик электр энергияси тежалади, деганидир.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида олиб борилаётган изланишларнинг яққол намунаси эканини таъкидлаб, микроГЭСлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Фарғона шаҳридаги "Осиё олмос файз" корхонасининг лок-бўёқ, темир ва бетон кесиш мосламаларини тайёрлаш, "Turon mega fayz" жамиятининг гипсокартон, ПВХ гранулалар, ПВХ плёнка ва пластмасса буюмлар, "Uzsalaman" қўшма корхонасининг эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари, "Big Bilding Capital Group" корхонасининг саноат чангини ушлаб қолувчи фильтр материаллари, иссиқхона каркас қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳалари, "Ўзфармсаноат" акциядорлик концерни томонидан 2017-2018 йилларда вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантириш манзилли дастури тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз барча лойиҳалар бўйича фикр билдириб, уларни янада такомиллаштириш, амалга ошириш жараёнларини тезлаштириш, иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудини яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолига кенг қулайлик яратиш мақсадида янги темир йўллар қурилиб, янги йўналишлар ташкил этилмоқда.

22 июнь куни Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ўртасида илк бор электричка қатнови йўлга қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу поездда Марғилондан Қўқонга келди. Бу турдаги замонавий транспорт ҳаракати Фарғона водийси ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу электричка ҳаракати яқин кунларда янада кенгаяди ва Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳарлари ўртасида қатнай бошлайди. Бу аҳоли учун жуда катта қулайлик яратади. Ушбу транспорт замонавий, тезюрар, қулай, хавфсиз. Қишда иссиқ, ёзда салқин, ҳар қандай об-ҳаво шароитида барқарор юради. Соатига 120 километргача тезликда ҳаракатлана олади. Ҳар бир электричка 6 вагондан иборат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз темир йўл тармоғини модернизация қилиш, аҳолига қулай, арзон ва хавфсиз транспорт хизмати кўрсатиш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари ўртасида электричкалар ҳаракати йўлга қўйилаётгани бу борадаги муҳим қадамлардан бўлади.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан ушбу йўналишлар учун 5 электричка модернизация қилинди. Натижада транспорт воситаларининг ташқи ва ички қиёфаси бутунлай ўзгарган. Вагонларга кондиционер, замонавий ўриндиқлар ўрнатилган. Хориждан яна 10 электропоезд келтириш режалаштирилган.

Жорий йилда Фарғонадан Марғилонгача бўлган темир йўлни электрлаштириш ишлари якунланади.

Президентимиз мазкур турдаги темир йўл транспорти қатновининг йўлга қўйилиши Фарғона водийси аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Илгари Фарғона водийсида электропоезд қатнайди деса, биров ишонмасди. Энди Қўқондан Андижонга бир соатда етиб бориш мумкин. Бу ҳам халқимизнинг узоғини яқин қилиш борасидаги, одамлар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самарасидир, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, Фарғона шаҳар вокзали биноси қурилишини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Шу борада дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври – Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Хусусан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси ва "Байт ул-хикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган олимлар, ўтмишда юртимизда ислом динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш ва тарғиб этиш бўйича бетакрор асарлар яратган уламолар бутун дунёга донг таратганлар.

Ўрта асрларнинг илк даврида улуғ аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожида кескин бурилиш ясади.

Ўз давридаги барча қийинчилик ва оғир синовларга қарамасдан, бу аллома ва мутафаккирлар илму фан равнақи йўлидаги ўз бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига ҳамиша содиқ қолиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатдилар ва уларнинг халқимиз ва башарият олдидаги буюк хизматлари, айниқса, мустақиллик йилларида муносиб ҳурмат ва эътибор топиб келмоқда.

Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ана шу бетакрор илмий мероснинг барча қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина мамлакатимиз китоб фондларида сақланаётган, асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар ҳам шундан далолат беради.

Халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизацияларараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Марказ таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар ҳисобидан шакллантириш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА БАХТЛИ ВА ХУШКАЙФИЯТ ОДАМЛАР ЯШАЙДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсат натижасида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришилмоқда, халқимиз фаровонлиги муттасил юксалиб бормоқда. Бу қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, тадқиқот институтлари томонидан ҳар йили эълон қилинаётган халқаро рейтингларда ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистон яқинда эълон қилинган бахтиёрлик ва хушкайфиятлилик индексига кўра 142 мамлакат орасида 3-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида 1-ўринни эгаллади.

Gallup World тадқиқот ташкилоти томонидан 2016 йил якунлари бўйича тайёрланган ушбу ҳисобот 142 мамлакатда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари асосида тузилган. Сўровда 150 мингга яқин киши иштирок этган. Рейтингда одамлар кайфияти, ҳаёти ва турмушидан мамнунлиги қиёсий таҳлил қилинган.

АҚШнинг Gallup World муассасаси раҳбар ва ташкилотлар ишида қўл келувчи таҳлиллар тайёрлаш ҳамда таклифлар бериш билан шуғулланадиган дунёдаги энг нуфузли ташкилотлардан бири. Халқаро миқёсда 80 йилдан ортиқ тажрибага эга Gallup World ўз тадқиқотлари билан дунёда ходимлар, мижозлар, талабалар ва фуқаролар билан боғлиқ энг муҳим муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиб келаётир.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, 2014 йилда Gallup World томонидан ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистон жаҳоннинг 30 та энг бахтли мамлакатлари қаторидан ўрин олган эди.

Ўзбекистон бахтиёр ва хушкайфият халқи билан бу ва бошқа рейтингларда юқори ўринларни эгаллаб келаётгани бежиз эмас. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар самаралари, халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифати мазкур мезонларга тўла мос келади.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келганига алоҳида урғу берилди.

АДОЛАТ – БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР МАНБАИ

Дарҳақиқат, адолат туйғусини халқимиз азалдан юксак қадрлаб, уни ҳамма нарсадан устун қўяди. Шунинг учун ҳам жамиятда барқарор мувозанатнинг, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашининг муҳим шарти бўлган бу одиллик тамойилини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш давлатимиз томонидан биринчи даражали вазифа сифатида қўйилмоқда.

Бу борада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Чунки бу соҳа вакиллари инсон ҳаёти билан боғлиқ фаолият олиб боради. Аниқроқ айтганда, иши судда кўрилган шахснинг кейинги тақдири кўп ҳолларда судья қабул қилган қарорга боғлиқ бўлади. Бирор кишининг ноҳақ айбланиши, масалан, қилмаган айби учун узоқ йилга озодликдан маҳрум этилишининг оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам йиғилишда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, тизим ҳақиқий маънода халқпарвар бўлмагунча соҳа такомиллаштирилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

– Президентимизнинг судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак, деган фикрлари судьялар фаолиятининг мезонини белгилаб берди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Давлатмирза Комилов. – Бу талаб бежиз қўйилмади. Боиси суднинг, судьяларнинг ана шундай асосда ишлаши, халқимизнинг адолатга бўлган ҳуқуқи тўла таъминлаши учун зарур барча шарт-шароит ва қонуний асослар таъминлаб берилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 июнь куни суд органлари ходимлари билан учрашувдаги "Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти" мавзусида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

• Бухорода Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганишга бағишланган амалий семинар ўтказилди.

• Гулистонда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

• Республика илмий педагогика кутубхонасида Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан анъанавий "Китобхон мактаб" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда "Адабиёт кунлари", "Бир фарзандга уч китоб", "Китоб тақдимоти", "Энг яхши китобхон ўқувчи" каби номинациялар бўйича юқори натижага эришган иштирокчилар ўзаро баҳслашишди. Танловнинг ғолиб ва совриндорлари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

• Франция президенти Эммануэль Макрон Буюк Британия Европа Иттифоқи таркибидан чиқадиган бўлса ҳам ушбу мамлакат билан мустаҳкам алоқалар давом эттирилишини таъкидлади.

• Канададаги Эдмонтон халқаро аэропортида парвозларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида робот-қушлардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

• Ўрта ер денгизида муҳожирларни элтиб бераётган кеманинг фалокатга учраши оқибатида 120 дан кўпроқ киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Бу ҳақда Халқаро миграция ташкилоти маълум қилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йил бошидан Ўрта ер денгизидан Европага 77 мингдан кўпроқ муҳожир ва қочқинлар етиб келган. Денгизни кечиб ўтиш вақтида 1828 киши ҳалок бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказ таркибидаги музей экспозициясининг мавзу йўналишларини чуқур ўйланган, илмий асосланган аниқ режа бўйича шакллантириш ва уни энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намойиш этиш;

ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш;

жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш;

ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад йўлида – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти, давлатчилик анъаналари, халқимизнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ислом цивилизацияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланганини Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Кеш, Насаф, Термиз, Андижон, Марғилон, Кармана, Кўқон сингари қадимий шаҳарларимиз, улуғ алломалар ва азиз-авлиёлар хотирасига бағишлаб юртимизда бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари, муқаддас қадамжолар макетлари, улуғ сиймолар, ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар, моддий ва номоддий мерос, хусусан, "Шашмақом" намуналари каби ноёб экспонатлар орқали акс эттириш, шу йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижалари асосида қомуслар, каталог ва альбомлар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрлаш;

Марказда, маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг натижаларидан юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини хабардор қилиб бориш;

Европа Ренессансининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожи тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар павильонларини ташкил этиш орқали Марказда намойиш этиладиган экспозицияларни мазкур даврларга оид экспонат ва кўргазмали манбалар билан бойитиш;

жаҳон тарихида "Амир Темур ва темурийлар ренессанси" деган ном билан алоҳида ўрин эгаллайдиган даврда яратилган илм-фан, маданият ва меъморлик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш;

бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказининг жаҳондаги нуфузи халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директорига, зарур ҳолларда, Марказнинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгашининг таркиби 2-иловага биноан тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юкланган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказининг уставини тасдиқласин;

Марказнинг маъмурий ва асосий биноларини (кейинги ўринларда – объект деб аталади), унинг таркибидаги кутубхона ва музейни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасига ёндош ҳудудда қуриш, унинг зарур моддий-техника базаси ва инфратузилмаларини барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, Марказ фаолиятига юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини тасдиқласин.

Қарорда қуйидаги вазифалар белгиланиши назарда тутилсин:

объектнинг қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларида қўлланадиган ҳамда пудрат ташкилоти ва буюртмачи томонидан олиб келинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ва чет элдан келтириладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни тендер ўтказмасдан, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларнинг энг яхши намуналар бўйича таклифлари асосида сотиб олиш;

объект учун мўлжалланган, чет элдан келтириладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни бош пудратчининг омбор майдонларида (ИМ-74) (божхона омбори) божхона режимида жойлаштиришга рухсат бериш;

Марказнинг илмий-тарихий концепциясини ишлаб чиқиш, унинг музей ва кутубхонаси фаолиятини ва фондларини шакллантириш, экспозицияларини ташкил қилиш тартибларини белгилаш;

Илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб этиш ва бу борадаги илғор чет эл тажрибасини ўрганиш.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

объект қурилиши учун танланган ер майдонидаги турар жой бинолари ва бошқа иншоотларни белгиланган тартибда бузиб олиш ва кўчириш ишларини икки ой муддатда амалга оширсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

"Даваархитектқурилиш" қўмитаси ва "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси билан биргаликда объект қурилиши учун тегишли ер майдони ажратилишини икки ҳафта муддатда таъминласин;

8. "Даваархитектқурилиш" қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Марказга маданий-гуманитар соҳадаги нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган муассасалар билан илмий ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам берсин;

Марказнинг мурожаатига биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда келгусида ўтказиладиган тадбирларда (конференция, симпозиум, форум ва бошқалар) иштирок этадиган хорижий мутахассисларга визаларнинг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказ томонидан бериладиган буюртманомаларга биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадиган тегишли хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча пропискадан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини давлат божи ундирмасдан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Марказнинг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

12. Қуйидагилар Марказни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан тушадиган ихтиёрий бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳомийлик хайрия маблағлари;

муайян лойиҳа ва грантлардан ажратилган маблағлар.

13. Марказнинг маъмурий ва асосий биноларини қуриш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар машҳур ватандошимиз, россиялик тадбиркор Алишер Усмоновнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

14. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Марказни ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик хайрия маблағлари даромад солиғидан озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сонли фармойиши асосида ташкил этилган Товарлар (ишлар, хизматлар) импорти ҳажмини ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича Комиссия билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида бош пудратчи томонидан Марказ учун олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозлар 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

16. Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси мазкур объект қурилиши доирасида қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича шартномаларни ўн кун муддатда экспертизадан ўтказсин.

17. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Марказ буюртманомаларига биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадиган юқори мартабали меҳмонларга Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг VIP зали орқали бепул хизмат кўрсатилишини, хорижий мутахассисларга мазкур аэропортнинг VIP зали орқали белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлигига Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, Р.Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 июнь

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимиздаги "Тараққиёт стратегияси" марказида Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, "Тараққиёт стратегияси" марказининг ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Қабул қилинаётган ҳар бир янги ҳуқуқий ҳужжатда давлат ва жамият равнақи билан бирга, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, қонун лойиҳаларини кенг муҳокамага қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб қўйилган.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан тақдим этилаётган қонунлар лойиҳасининг ҳар бир банди бўйича атрофлича маълумот ва шарҳ берилди.

Ушбу қонунлар лойиҳасига илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг фаолиятини такомиллаштириш, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлашнинг янги шакл ва механизмларини жорий этишга доир муҳим масалалар киритилган.

Тадбирда қонунлар лойиҳасига аниқ таклиф ва муносабатлар билдирилди.

Г.САТТОРОВА

ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қарор ижроси қишлоқ аҳолисининг кенг қатлами учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Миллий матбуот марказида қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш дастурининг амалдаги ижросига бағишланган анжуманда шулар хусусида сўз юритилди.

– Дастурда нарх параметрлари ва шинамлилигига кўра якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилган, – дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси бош муҳандиси Жаҳонгир Иброҳимов. – Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш дастурига кўра уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастурда ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун 15 фоиздан иборат. Дастурда жорий йилда 15 мингта янги уй ва хонадон қуриш назарда тутилган. Ҳозиргача танланган туманларда 546 уй тажриба тариқасида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кўп хонадонли уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш материаллари асосида барпо этилади. Ҳар бир массивнинг бош режасида хизмат кўрсатиш объектлари, спорт майдончалари ва муҳандислик тармоқлари, ҳовли қисмида болалар майдони, уй эгалари дам олишлари учун шароитлар эътиборга олинган. Энергияни тежайдиган маҳаллий материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишнинг янада кенгайтирилиши барпо этилаётган уйларнинг таннархи пасайишига ҳамда аҳолининг барча қатлами учун мақбул нархлар белгиланишига хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни дастлабки танлаш бўйича тизимнинг очиқлиги ва ишончлилиги тамойилидан келиб чиқиб, қишлоқ жойларда арзон уй-жойларни қуришда талабгорларни танлаб олишни амалга оширади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

ЎзА

АДОЛАТ – БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Ўтган қисқа вақтда бу борада муҳим амалий қадамлар қўйилди. 2017 йил 1 июндан суд ҳокимиятининг янгона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Мамлакатимизда маъмурий судлар иш бошлади. Бу билан жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб келинаётган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар мазкур янги судларга ўтказилди. Судлар иш юритувидаги ишларнинг шу тарзда тўғри тақсимланиши уларни сифатли кўришга замин яратиши шубҳасиз.

Ҳар томонлама етук, ҳалол, касбига садоқатли судьялар корпусини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Мазкур кенгаш судьяларни малакали мутахассислар орасидан очиқ ва шаффоф танлов асосида танламоқда. Бу билан чекланмай кенгаш судьялар дахлсизлиги бузилиши ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўради. Номзодлар ва судьяларнинг касб тайёргарлигини ташкил этиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш каби вазифаларни бажаради.

Бу чора-тадбирларнинг амалда тўлақонли таъминланиши, шубҳасиз, суд тизимини бугунги кун талабларига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилинишига йўл очади. Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда айтганидек, бундан буён ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак.

Йиғилишда судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, таъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб келаётгани қаттиқ танқид қилинди. Минг афсуски, ўтган даврда содир бўлган бундай воқеликлардан кўз юмиб бўлмайди. Бундан буён ана шундай ҳолларга йўл қўйишга судьяларнинг мутлақо ҳаққи йўқ. Шундай экан, ҳар бир судья йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикрларнинг туб моҳиятини чуқур ўйлаб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариши, фақат адолат йўлида, халқимиз манфаати учун хизмат қилиши шарт.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очиқ мулоқотлар ташкил этиш ҳақидаги таклифлари жуда ўринли бўлди. Бу судьяларни халққа янада яқинлаштиради. Халқнинг кўзига қараш фақат адолат асосида иш кўришга замин яратади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши Миллий матбуот марказида "Оммавий ахборот воситалари – халқ билан мулоқотнинг муҳим воситаси" мавзуида давра суҳбати ташкил қилди.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЖУРНАЛИСТЛАР ПАРТИЯ ЭЪТИРОФИДА

Тадбирда партия марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ҳаётга кенг жорий этишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг жонкуярлиги ва фидойилиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбга оид фаолиятини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

– Бугунги давр шиддати журналистларимиздан ўзгариш ва янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг, атрофлича ва таъсирчан тарзда тушунтиришни, жамиятда учраб турувчи турли камчиликларга нисбатан теран танқидий-таҳлилий ёндашишни, давр билан ҳамнафас бўлишни талаб этмоқда, – дейди "Ўзбекистон" радиоканали сиёсий шарҳловчиси Дилшода Ҳамдамова. – Шиддатли давр талабларига жавобан биз янада фаол, изланувчан, ҳозиржавоб бўлишимиз, фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.


Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари ижросини, партия фаолиятини холис ва ҳаққоний ёритиш, уларни кенг жамоатчиликка етказишда журналистларнинг муносиб ҳиссаси борлиги қайд этилди. Партия фаолиятини ёритишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистларга совғалар топширилди.

Гулноза БОБОЕВА

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz

Табиат ва инсон

Борлиқ сув, ҳаво, тупроқ ва олов каби 4 унсурдан ташкил топган. Уларнинг ичида сувнинг ўрни алоҳидадир. Сув – тириклик белгиси, ер юзидаги ҳаётнинг асосидир. Ҳаёт эса мусаффо ҳаво, тоза чучук сув, теварак атрофдаги турли хил ўсимликлар, гиёҳлар ва ўз меҳр-мурувватини сочиб турувчи қуёшнинг заррин нурларидир.



БЕБАҲО НЕЪМАТНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

Ватанимизда сув ва табиий бойликларимизни ҳуқуқий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Бош Қомусимизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилганлиги сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланишнинг, шунингдек, табиий бойликларимизни асрашнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Сувни бутун инсоният, табиат, борлиқ ҳаётнинг онаси дейишимиз мумкин. Ота-боболаримизнинг айтишича, сув ўзига нисбатан ёмон муносабатни, бефарқликни, ҳурматсизликни ҳеч қачон кечирмайди. Қадим-қадимдан инсонлар сув бўйларидан қароргоҳлар танлашган. Инсон озиқ-овқатсиз узоқроқ яшар, лекин аввало ҳаво, сўнг сувсизликка чидай олмайди. Сув инсониятга туҳфа этилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмати, бойлиги, буюк инъомидир. Сув ҳаётнинг туғилишида, иқлим ўзгаришида, инсон саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди. Аждодларимиз ҳам сувни тежаб авайлаб ишлатганлар, эҳтиёткорона муносабатда бўлганлар. Тарихга назар ташласак шаҳримиздаги кўп маҳаллалар номига ҳовуз сўзи қўшиб айтилган. Масалан, Каттаҳовуз, Боғи ҳовуз ва бошқалар.

Шаҳримиз ҳудудидан Чирчиқ дарёси, Бўзсув, Салор, Қорасув, Толарик, Найман, Калковуз, Дамарик, Анҳор каби йирик сув ҳавзалари ва катта-кичик каналлар, ариқлар оқиб ўтади ва улардан пойтахтимиз мўътадил иқлимини сақлашда, маҳаллаларни сув билан таъминлашда, шаҳримиз ҳудудидаги дов-дарахтларни, ўсимликларни, хиёбонлардаги гулзорларни суғоришда, шунингдек, дам олиш масканларида борпо этилган сунъий кўлларни тўлдиришда фойдаланилади.

Юқорида қайд этилганидек, Тошкентда ичимлик суви тармоғи қурилгунча бу каналлар, ариқлар, шаҳар аҳолисини сув билан таъминлайдиган ягона манба ҳисобланган. Бу канал ва ариқлар йилнинг фақат иссиқ кунларида сув билан таъминлаган, қиш кунларида эса ариқлар музлаб қолган, шунинг учун сув танқислигининг олдини олиш мақсадида одамлар маҳаллаларда сунъий сув ҳавзалари, яъни ҳовузлар қазишган. Аҳоли ҳовузларни тоза тутган, ўпирилиб кетмаслиги учун ҳовуз атрофларига дарахтлар экишган, қирғоқларига тош бостирганлар. Кузда ҳовузлар тозаланиб, қиш учун сув йиғганлар. Шаҳримизда бундай ҳовузлардан 500 тага яқин бўлган.

Бежизга ҳам ота-боболаримиз қадимқадимдан табиатга оқилона муносабатда бўлганлар, улар дарё ва ариқ сувларини муқаддас деб билишган, уларнинг ифлосланишига асло йўл қўйишмаган.

"Сув – тирик ҳаётнинг асоси", у бебаҳо неъмат. Зеро, бугун биз ҳам сувни эъзозласак, қадрласак, унинг покиза, тоза ҳолда келгуси авлодларга етиб боришига эришсак, фарзандларимизнинг ҳаёти гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

Дилором САЛИМОВА

ҚАРОРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСИ

Табиатнинг инсонга инъом этган буюк неъматларидан бири ҳаётдир. Инсон ер юзини кўз очиб кўрган куниданоқ, то умрининг охиригача она заминда яшаб умр кўради.

Она табиатни муҳофаза қилиш ўзимизнинг ва барча инсонларнинг соғлиги келажак авлодлар ҳаёти билан боғлиқ муҳим ижтимоий масаладир. Шундай экан, инсон доимо табиат қўйнида яшаб фаолият кўрсатади, табиат билан узлуксиз муносабатда бўлади.

Маълумки, 2017 йил 21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарор ижроси доирасида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ҳам бир қанча саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қуйида Яккасарой туманидаги "Қушбеги" маҳалласида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритамиз.

